



МАКТАБЛАРДА ТИЛ ВА КАСБ ЎРГАТИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 20 январь куни мактабларда хоржий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари халқимизга Мурожаатномасида “ижтимоий давлат” тамойилига алоҳида эътибор қаратган эди. Айнан айтганда, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир”.

Бунга эришишнинг асоси, биринчи навбатда, таълим. Шу боис, Мурожаатномада мактаб ўқувчиларини камида иккита хоржий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш устувор вазифа этиб белгиланган эди.

Сўнги йилларда таълимга, ўқитувчиларга эътибор ошди, олий таълимда қабул сони ва йўналишлар кўпайди. Лекин мактаблардаги сифат ҳали талаб даражасига чиққани йўқ. Масалан, 11 йил мактабда ўқиган бола чет тилини мукамал билмайди. Шароит ва мутахассислар йўқлиги сабабли ёшларни касбларга қизиқтириш муҳити шаклланимаган. Мактаб битирувчиларнинг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан қўйиб келмоқда.

Шу боис, йиғилишда хоржий тилларни ўқитиш сифатини ошириш ва ўқувчиларни касбга йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

— Мактабдан касб ва тилни билиб чиққан бола жамиятимизнинг катта ютуғи, билмагани муаммо, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу тажрибани жорий этиш учун ҳар бир вилоятдан биттадан шаҳар ва иккитадан туман танлаб олинган. Улардаги 2 мингдан ортик мактабларнинг шароити, педагоглар малакаси, ўқувчиларнинг касб-хунар ва хоржий тилларга қизиқиши ўрганилган.

Энди туман ва маҳаллаларнинг ҳусусиятидан келиб чиқиб, ўқувчилар мактабнинг ўзига 64 хил ишчи касбларга ўргатилиши кўзда тутилмоқда.

ЎЗА

Шу боис, ҳокимликларга ушбу танлаб олинган мактабларда касб-хунар устaxonалари ташкил этиш, уларни жиҳозлаш ва зарур ашёлар билан таъминлаш вазифаси кўйилди. Бунга ёшлар етакчилари ва тадбиркорлар ҳам жалб этилади. Ёшлар жамғармасидан маблағлар йўналтирилади.

— Ҳозир тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчиларни шу масала қийнапти: бўш иш жойи кўп, ойлиги ҳам яхши, лекин уқуви ва кўникмаси бор ишчи йўқ. Агар бу тизим тўғри ташкил қилинса, биздаги демографик ўсиш билан катта натижаларга эриша бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шунингдек, ўқувчиларни ахборот технологиялари ва “креатив индустрия” бўйича замонавий касбларга ўргатиш муҳимлиги таъкидланди.

Чет тилларини сифатли ўргатиш учун мактабларга “тил эгаси” бўлган педагоглар жалб қилиш, Президент мактабларининг тил ўргатиш тажрибаси, дарслик ва дастурларини татбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлари танланган мактаблар мисолида хоржий тиллар ва касб ўргатишни ривожлантиришга оид режалар юзасидан ахборот берди.

Шунингдек, Президент тармок ва ҳудудлар раҳбарларига киш мавсумида аҳолини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш борасида масъулият ва назоратни кучайтириш лозимлигини кўрсатиб ўтди. Тадбиркор ва корхоналар фаолиятидаги муаммоларни масалаларни ҳал қилишда уларга яқиндан кўмаклашиш, зарур ҳолларда молиявий ресурслар ажратиш, озик-овқат маҳсулотлари нархларининг асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш ва бозорларда тақлифни кўпайтириш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2023-2026 йилларда ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва туберкулез инфекциясидан химоялаш, туберкулез ва ўпканинг носпецифик касалликларининг тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 февралдаги “Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4191-сон қарорига мувофиқ қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2021 йилга келиб туберкулездан касалланиш кўрсаткичи 100 минг аҳолига нисбатан **35,2 тани**, ўлим кўрсаткичи эса **1 тани** ташкил қилиб, 2019 йил кўрсаткичларига нисбатан мос равишда **9,3** ва **16,6** фоизга камайди;

тизимдаги мультидисциплинар гуруҳлар томонидан кўрсатилган руҳий-ижтимоий ёрдам натижасида даволаш мuddатларига риоя этмаган беморлар сони **2 бараварга** камайди;

ҳавфли гуруҳга кирувчи **12 минг** шахсларда туберкулезнинг латент шакли аниқланган ва профилактик даво билан тўла қамраб олинди;

80 та тумандаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари

рида замонавий тезкор молекуляр-генетик ташхислаш усули амалиётга татбиқ этилди.

Шу билан бирга, туберкулез ва ўпка носпецифик касалликларининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш ҳамда 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрини кўтариш” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) фтизиатрия ва пульмонология касалликларини профилактика қилиш, ташхислаш, даволаш ҳамда мазкур соҳаларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича республикада бош муассаса ҳисобланади.

2. Қуйидагилар туберкулез ва ўпка носпецифик касалликларининг олдини олиш, уларни скрининг қилиш ва эрта аниқлаш, даволаш ҳамда тарқалишига қарши курашиш бўйича Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ОДАМНИНГ ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН КАСАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган “Тиббиётдаги ислохотлар — инсон қадрини кўтариш” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ОИВ инфекциясини профилактика қилиш, унга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини янада ошириш, аҳоли орасида ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича текширувлар қамровини ошириш, беморларга сифатли тиббий ва руҳий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур дори воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

1. Аҳоли орасида ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши курашиш самардорлигини оширишга доир 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун “95-95-95” стратегияси илгари сурилганлиги ва унинг доирасида ОИВ инфекциясини юқитиб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз макomini билишлари, махсус

даволаш курслари билан қамраб олинishi, 95 фоизининг қонига вирус юктамаси аниқланмайдиган даражага тушиши кераклиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур стратегияга мувофиқ тадбирларни амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2023-2027 йилларда Давлат бюджети маблағлари, ОИТС, сил ва безгакка қарши курашиш бўйича Глобал жамғарма маблағлари, Осиё тараққиёт банки ҳамда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг қарз маблағлари ҳисобидан аҳоли ўртасида ОИВ инфекциясини эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш мақсадида тест-тизимлари ва ретровирусга қарши воситаларни харид қилиш, ОИТСга қарши кураш марказлари ва уларнинг туманларо диaгностика лабораторияларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, кенг тарғибот ишларини ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилий тадбирлар учун **120 миллиард сўм** ва **54 миллион** АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар йўналтирилишини таъминласин.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Ўзбекистон – Сингапур:

ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Бугунги кунда мамлакатнинг изчил ва барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан давлат хизмати тизимини самарали ташкил қилиш, давлат хизматида иш сифати ва давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқлиги ҳаёт ҳақиқатига айланиб бормоқда. Шу жиҳатдан ХХ асрда жаҳонда муваффақиятга эришган ва “иқтисодий мўъжиза” ҳисобланган кўплаб давлатлар орасида Сингапур алоҳида ажралиб туради. Табиий ресурслари чекланган кичик орол-давлатдан юқори технологик ривожланган давлат даражасига кўтарилган Сингапур феномени бугун бутун дунёда эътироф этилган.



▶ Давоми 3-бетда

Бебаҳо неъмат

Авваллари сув дунёдаги энг арзон табиий ресурс ҳисобланган бўлса, бугун энг қимматбаҳо неъматлардан бирига айланиб борапти.

▶ Давоми 4-бетда

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

ЮҚОРИ ГИДРОЭНЕРГЕТИК САЛОҲИЯТ

Ундан қандай фойдаланилмоқда?

Президентимиз шу йил 19 январь куни энергия таъминотини яхшилаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Гидроэнергетика тармоғидаги режалар тақдироти билан танишиш чоғида 500 миллион долларлик 27 лойиҳа амалга оширилиб, қўшимча 260 мегаваттлик қувватлар яратилгани, “Ўзбекгидроэнерго” тизимидаги станцияларнинг умумий қуввати 2 минг мегаваттдан ошиб, йилига 2 миллиард куб метр табиий газ тежаляётгани қайд этилди.

Ҳақиқатан, бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгайиб борапти. Жорий йилда 197 мегаваттлик 7 лойиҳа ва 10 та микро гидроэлектр станция ишга туширилиши режалаштирилган. Яна 438 мегаваттга эга 8 та истиқболли лойиҳа ва 50 микро ГЭС қуриш бўйича ишлар бошланган.

▶ Давоми 4-бетда

БУГУННИНГ ГАПИ

ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМ — МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯНИ ҚўЛЛАШНИ КўПАЙТИРИШ



Ҳозирги даврда жаҳон ҳамжамияти иқлим ўзгаришларини инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири сифатида баҳоламоқда. Мутахассисларнинг фикрича, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ҳамда унга мослашиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бу иқтисодиётни “яшиллаштириш”дир.

▶ Давоми 4-бетда

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

БИЛИМЛИГА ДУНЁ КЕНГ

— Қорақалпоқ халқининг бетакор санъати ва маданиятини янада юксалтириш, театр, кино, телевидение ва халқ ижодиёти йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида 2008 йилнинг 28 апрелида Президентимиз қарорига мувофиқ, Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали ташкил этилган эди, — дейди мазкур филиалнинг режиссура ва актёрлик маҳорати кафедраси доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марияш Исмаилова. — Кейинчалик ўқув юртимиз Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти филиалига айлантирилди. Ҳозирги пайтда ўқув жараёнида назария ҳамда амалиётни бирга олиб бораемиз. Яхши мутахассисларни тайёрлашда бор билим ва тажрибамизни ишга соляемиз.



▶ Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

соғлиқни сақлаш муассасаларида ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология тизимларини илгор хорижий тажриба асосида **такомиллаштириш** ва **модернизация** қилиш; фтизиатрия ва пульмонология йўналишида вилоят (республика), туман (шаҳар) ҳудудий тиббий муассасалари ўртасида **тизимли узвий боғлиқликни** ҳамда услубий **вертикал бошқарувни** таъминлаш;

туман (шаҳар) фтизиатрия муассасалари қошида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирликлари доирасида кундузги стационарларни ташкил этиш орқали аҳолига малакали фтизиатрия ва пульмонологик тиббий ёрдам кўрсатиш **ҳажмини ошириш** ҳамда республика фтизиатрия реабилитация марказларида ўпка носпецифик касалликларининг шифохонадан кейинги даврдаги **кузатувини ташкиллаштириш**;

туберкулёз ва ўпка носпецифик касалликлари бўйича эпидемик вазиятни мунтазам таҳлил қилиш, мониторингини олиб бориш, касалликлар тарқалиш тенденцияларини прогностлаш, тақлифлар шакллантириш ҳамда беморларнинг **миллий электрон реестрини** юритиш;

туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликлари олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар ҳамда илмий тадқиқотлар бўйича **эксперт тақризини** бериш;

ўпка **патологиясининг клиниколди белгиларини** эрта аниқлаш учун йиллик тиббий кўрик доирасида **скрининг дастурларини** ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш;

ташхислаш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини амалиётга жорий этиш орқали Марказда ва ҳудудларда юқори **технологик жароҳлик амалиётлари** улушини ошириш;

рақамли технологиялар ёрдамида беморларни қўллаб-қувватлаш ҳамда амбулатор даволашнинг **видеоназорат усулини** кенгайтириш;

кўп тармоқли марказий поликлиникалар қошида **“Астма ва сурункали обструктив ўпка касалликлари мактаби”**ни ташкил этиш орқали ўпканинг носпецифик касалликларига чалинган беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш ва уларни касаллик зўрайишининг олдини олишга ўргатиш; ҳудудий фтизиатрия ва пульмонология марказлари ҳузурида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирликлари доирасида **масофавий ўқитиш ва мониторинг қилиш инновацион марказларини** ташкил этиш.

3. 2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини ривожлантириш бўйича **мақсадли курсаткичлар** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қуйидагиларини назарда тутувчи фтизиатрия ва пульмонология тизимларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифларига розилик берилсин:

а) соҳада яхлит вертикал тизимнинг туман бўғинини яратиш мақсадида туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар таркибидagi фтизиатрия бўлимлари ва хоналари негизда мавжуд фтизиатр ва пульмонолог штат бирликлари доирасида **фтизисопульмонология бўлимлари**ни ташкил этиш;

б) вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида фаолият юритадиган бош пульмонолог штатларини шифо ўрни фонди қолдирилган ҳолда ҳудуд

даги фтизиатрия ва пульмонология марказларига ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев) билан биргаликда **2023 йил 1 июлга қадар** фтизиатрия касаллигининг хусусиятларини ҳамда фтизиатрия ва пульмонология тизимларини такомиллаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда барча бўғинларда янгиланган штат меъёрларини тасдиқласин.

Марказга фтизиатрия ва пульмонология соҳасида фаолият юритаётган давлат тиббиёт муассасалари, шу жумладан, уларнинг бўлинмалари иш ҳажми ва мавжуд эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда шифо ўринларини қайта тақсимлаш бўйича асосланган тақлифларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритиш ваколати берилсин;

в) тунги уйку сифати ва нафас олиш функцияси бузилишларини ташхислаш ва даволаш мақсадида ҳудудий фтизиатрия ва пульмонология марказларига ажратилган штат бирликлари ва маблағлар доирасида **“Уйку апноз” марказларини** ташкил қилиш.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, **2023 йилдан бошлаб** ҳар йили:

а) қуйидагилар: латент туберкулёз инфекциясига скрининг текширувлари сони **1 миллион** нафаргача; латент туберкулёз инфекциясига чалинган шахсларни даволаш қамрови **21 минг** нафаргача; туберкулёз микобактериясини бир вақтнинг ўзига 1- ва 2-катор туберкулёзга қарши дори воситаларига резистентликни аниқлайдиган тезкор ген-молекуляр ташхислаш қамрови **120 минг** нафаргача;

туберкулёз билан касалланган **18 минг** нафаргача беморларни дори воситалари билан таъминлаш, шу жумладан:

1-катор (дорига сезувчан туберкулёз билан касалланган беморлар) бўйича — **15 минг** нафаргача;

2- ва 3-каторлар (дорига резистент туберкулёз билан касалланган беморлар) бўйича — **3 минг** нафаргача етказилади;

б) 2023 йил 1 мартга қадар туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари томонидан бирламчи тиббиёт муассасаларига бириктирилган аҳоли орасидан туберкулёз билан касалланишга мойиллиги бўлган **хавф гуруҳига мансуб шахслар рўйхати** тузилади;

в) туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси мутахассислари томонидан туберкулёз билан касалланиш хавф гуруҳига мансуб:

шахслар (ўсмирлар ва катталар) **рентгенологик текширувдан**;

болалар **иммунологик текширувдан** ўтказилади;

г) жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумлар билан бевосита алоқада бўлган Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш муассасалари ва қоровул қўшинларининг ходимларида латент туберкулёз инфекциясини эрта аниқлаш мақсадида йиллик профилактик тиббий кўриklar доирасида тегишли скрининг тадбирлари ўтказилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда латент туберкулёз инфекцияли шахсларда диагностика жараёнини тубдан яхшилаш учун **икки ой муддатда** хавф гуруҳларини скрининг қилиш учун **тест-диагностикумларини**

харид қилиш ҳамда 2023 йилдан бошлаб скрининг қилишининг йиллик графигини тасдиқлашни назарда тутувчи тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов):

2023 йил 1 мартга қадар соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга ажратилган маблағлар ҳисобидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигидаги “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти томонидан **Фтизиатрия касалликларининг ягона электрон реестри** (кейинги ўринларда — Реестр) ишлаб чиқишлини, шунингдек, келгусида унинг техник ва дастурий қўллаб-қувватлашини таъминласин;

2023 йил 1 июлга қадар Марказда Реестр юритилишини, унинг тизимидаги ҳудудий бўлинмалар ҳамда республика, вилоят ва туман (шаҳар) даражасида фтизиатрия соҳасида фаолият юритаётган давлат муассасалари, шу жумладан, уларнинг бўлинмаларида Реестр жорий қилинишини ва ўзаро интеграциясини йўлга қўйсин.

7. **“Ўпка саломатлиги” мобил бригадаси** доирасида ҳудудлардаги олис, чекка, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда яшовчи аҳолига бепул тиббий кўрик доирасида скрининг тадбирлари ўтказилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Ўзавтосаноат” АЖ билан биргаликда “Isuzu” микроавтобуси базасида олис, чекка ва тоғли ҳудудларга мўлжалланган ихтисослаштирилган автотранспорт воситасининг техник параметрларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Марказнинг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

мамлакатимизда туберкулёз касаллигини даволаш мактабини яратишга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олган ҳолда Марказда **академик Шокир Алимов** номини тиклаш;

Марказ ҳузурида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирликлари доирасида респиратор касалликлар бўйича замонавий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда фундаментал ва амалий инновацион тадқиқотларни ўзига мужассамлаштирган **Шокир Алимов номидаги илмий мактаб** ташкил этиш;

Марказ таркибидa **Миллий референс лаборатория** ташкил этиш. Бунда белгилансинки, Миллий референс лабораторияни қуриш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, жиҳозлаш билан боғлиқ харажатлар эса хорижий грант маблағлари ҳисобидан қопланади;

Марказнинг ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан маҳаллий ва чет эллик микробиологик лаборатория мутахассислари учун **илмий-амалий тренинг маркази** фаолиятини йўлга қўйиш;

Марказга, ҳудудлардаги фтизиатрия ва пульмонология марказларига ҳамда катталар учун мўлжалланган сўхатгоҳларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетига киритилмаган тиббий хизматларни **пуллик асосда кўрсатиш**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Кудбиев) билан биргаликда 2023 йил якунига қадар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган пульмонология ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини тасдиқласин.

9. Белгилансинки, **2023 йил февралдан бошлаб** Марказ фаолиятида аралаш молиялаштириш шакли жорий этилади. Бунда:

Марказ таркибидaги лаборатория ҳамда Туберкулёз стратегиясини аниқлаш, эпидемиология, мониторинг ва дорилар менежменти бўлимини сақлаш билан боғлиқ харажатлар смета асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилади;

Марказ томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга йўлланма асосида кўрсатилган тиббий хизматлар сарф-харажатлари базавий нархлар доирасида Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси орқали белгиланган тартибда қўллаб бериллади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** қолган республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини ўрганиб чиқиб, улардаги фаолияти бевосита беморлар билан боғланмаган бўлинмалар харажатларини молиялаштириш бўйича тақлиф киритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг мазкур қарор қабул қилингунга қадар Марказнинг ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш ҳамда сақлаш харажатларини қоплаш ҳисобига Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси олдида ҳосил бўлган қарздорлигини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

11. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига фтизиатрия ва пульмонология ёрдамини кўрсатиш тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ;

2024-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология тизимидаги муассасаларни қайта таъмирлаш дастури 3-иловага мувофиқ;

Фтизиатрия ва пульмонология тизимидаги муассасаларни замонавий ташхислаш, даволаш ва реанимация ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ;

2023-2025 йилларда фтизиатрия ва пульмонология тизимидаги сўхатгоҳларни замонавий реабилитация, даволаш ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларда “Ўпка саломатлиги” мобил бригадаларини жиҳозлаш учун ускуналар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан биргаликда Германия тараққиёт банки томонидан мазкур қарорга 4-иловага мувофиқ Марказга ажратилаётган грант маблағларини жалб қилишда кўмаклашсин.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ҳар йили туберкулёз ва сурункали обструктив ўпка касалликларини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ушбу қарорда назарда тутилган имунодиагностика, туберкулёзга қарши дори воситалари, лаборатория реагентлари хариди учун зарур бўлган маблағлар ажратишлини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2023 йил 20 январь

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов):

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида Марказнинг бино-иншоотларини капитал таъмирлаш ҳамда тиббий ускуналарини сошлаш;

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган чора-тадбирлар режаларининг бажарилиши учун халқаро молия институтларининг соҳага тегишли грантларини жалб қилиш;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан танлов асосида саралаб олинган 40 нафаргача фтизиатр ва пульмонологларни 2023-2026 йиллар давомида нуфузли хорижий тиббиёт марказларида малака оширишга юбориш чораларини кўрсин.

14. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий ишлар диссертация химоясигача Марказнинг тегишли мавзудаги тақризи олиншини таъминласин.

15. Инновацион ривожланиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Марказ илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат бюртомасини шакллантиришда туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган лойиҳалар танловини эълон қилсин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бир ой муддатда 2023 йилга мўлжалланган туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликларини профилактика қилиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда реабилитация жараёнларига нисбатан жамоатчиликда ижобий фикрни шакллантириш, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғибот-таъвиқот ишларини олиб боришга қаратилган мақолалар эълон қилиш, тематик телекурсулар намойиш этиш бўйича медиа-режа қабул қилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

Қарор ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Одамнинг иммунитет танқислиги вирус келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

2. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Иноятов):

а) **2027 йилда:** ОИВ инфекциясини юқтириб олган ҳамда ўз мақомини билган, махсус даволаш курслари билан қамраб олинган ва қонда вирус ўқлама-си аниқланмайдиган даражага тушган шахслар курсаткичи **95 фоизга** етказилишини;

ОИВ инфекциясининг **онандан болага юқишига барҳам берилишини** таъминласин;

б) никоҳланувчи шахсларни ОИВ инфекцияси бўйича мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнини электрон тизим орқали амалга оширишни йўлга қўйиш мақсадида Адлия вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар** Тошкент шаҳри ва Сирдарё вилоятида, **2023 йил якунига қадар** эса бошқа ҳудудларда “Электрон ҳуқумат” тизимининг идоралараро интеграция платформаси орқали ФХДЁ органлари ва тегишли тиббиёт муассасалари

ўртасида **электрон ҳамкорликни ташкил қилсин**;

в) **2023 йил якунига қадар** ОИВ инфекцияси аниқланган ҳолатлар мониторингини таъминлаш, реал вақт режимида препаратлар ва диагностикаумларнинг харақатланишини кузатиб бориш имконини берувчи **электрон ахборот тизимини** яратсин ҳамда ушбу тизимни Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасининг электрон базалари билан интеграция қилиш орқали ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўйсин;

г) **икки ой муддатда** Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда ОИВ инфекциясига чалинган шахсларни ижтимоий, ҳуқуқий, маънавий ва тиббий-психологик қўллаб-қувватлаш, айниқса, ёшлар орасида ОИВ инфекцияси тарқалиши

масалаларида кенг тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб бориш, жамиятда оилавий ва маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга доир идоралараро чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ҳудудлар кесимида 2023 йилга мўлжалланган ОИВга қарши курашиш тизимини кучайтиришга доир “йўл хариталари”нинг амалга оширилишини, 2024-2026 йилларда тегишли даврга мўлжалланган “йўл хариталари”нинг ишлаб чиқишлини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ярим йилда** Дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳолатини танқидий муҳокама қилсин ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети

параметрларини шакллантиришда Дастурнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни назарда тутсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда Дастурда белгиланган ОИВ инфекциясига доир долзарб масалалар бўйича мақолалар, телекурсулар ва радиоэшиттиришлар орқали аҳоли орасида ОИВ инфекциясига қарши курашишнинг аҳамиятини мунтазам ва кенг ёритилишини таъминласин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки**

Ўзбекистон Республикаси
ПрезидентиТошкент шаҳри,
2023 йил 20 январь

Ш. МИРЗИЁЕВ



ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ТАШРИФ ДАВОМИДА ПРЕЗИДЕНТ ЖАҲОННИНГ НУФУЗЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН ЛИ КУАН Ю НОМИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ МАКТАБИГА ТАШРИФ БУЮРДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ МАКТАБ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШИБ, ЎҚУВ ДАРГОҲИ РАҲБАРИЯТИ БИЛАН ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ.



Ўзбекистон – Сингапур: ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Қаҳрамон ҚУРОНБОВ,
сиёсий фанлар доктори,
профессор,
Отабек ҲАСАНОВ,
сиёсий фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)

қонунда мустақамлаб кўйилди. Коррупцияга қарши кураш эълон қилинди, унга нисбатан тоқатсиз ва мурасасиз муносабатни шакллантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Сингапур мўъжизаси” муаллифи Ли Куан Ю томонидан барпо қилинган давлат хизмати тизимининг асосий мақсади — давлат секторидида ишлаш учун энг муносибларни танлаб олиш, уларни ривожлантириш ва ушлаб қолишдан иборат бўлди. Танлаб олинган кадрларда, Ли Куан Ю таъкидлаганидек: “Биринчидан — ҳалоллик. Иккинчидан — масъулият. Учинчидан — қобилият. Ва тўртинчидан — энг муҳими, тушунтириш ва одамларни етаклаш қобилияти” бўлиши лозим.

XXI асрда ҳам давлат асосчиси Ли Куан Юнинг “Агар биз оддий бўлсак, биз йўқ бўлиб кетамиз”, деган фикрига қатъий риоя қилган ҳолда унинг издошлари давлат ва жамият ривожланиши, уни келажакка тайёрлаш борасида инновацион ғоя ва ечимларни тақлиф қилиб келмоқда.

2014 йилда Сингапур Бош вазири Ли Сянь Лун томонидан илгари

индекси (Asian Digital Transformation Index)да 1-ўринни эгаллаб, мамлакатда давлат бошқаруви, шаҳар инфраструктураси ва ижтимоий ҳаётнинг рақамли трансформацияси юқори даражада эканини яна бир бор исботлади. Сингапур, шунингдек, 2021 йилда Жаҳон банкининг давлат бошқаруви самарадорлиги индекси (Government Effectiveness Index)да ҳам 1-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга давлат ташрифи икки томонлама серкирра ҳамкорликни кенгайтириш йўлида катта аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йилда биринчи ташрифини Сингапурга амалга оширгани мазкур мамлакат билан кенг қамровли алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганидан далолат беради. Чунки Сингапур ҳар жиҳатдан намуна бўла оладиган давлат, унинг бой тажрибасини ўрганиш ва Янги Ўзбекистонда қўллаш олдимизга қўйган мақсад ва ваазифаларга мос келади.

Ташриф давомида Сингапур билан яқин истиқболда ҳамкорликни

лантириш, рақамли трансформация ва инновациялар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида биргаликда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурини амалга оширишга келишиб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси негизда Сингапурнинг етакчи экспертларини жалб қилган ҳолда давлат хизматчиларини интенсив қайта тайёрлаш дастури ишга туширилиши кутилмоқда.

Давлат хизматчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик учун Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактабининг танланиши бежизга эмас. Осиёнинг етакчи университети, Сингапур миллий университети таркибига кирувчи мазкур мактаб 2004 йилда ташкил этилган бўлиб, мактабнинг миссияси эълон қилинган ва келажак авлод раҳбарларини тайёрлаш, Осиёда бошқарув стандартларини такомиллаштириш, инсонлар ҳаётини яхшилаш учун таълим беришдан иборат.

Мактаб Гарвард университети Кеннеди номидаги бошқарув мактаби каби



XX АСРДА СИНГАПУРНИНГ ЎЗ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ЧЕТ ЭЛДА ЎҚИТИШИ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШИ, ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВА ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИШИ КУЧЛИ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШГАН.

Бошланиши 1-бетда

Мустақиллигининг дастлабки йилларида ҳатто ичимлик суви импорт қилган Сингапурнинг бундай юқори натижаларга эришишида самарали бошқарув ва кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга тўғри ёндашув асосий омиллардан бири ҳисобланади. Зеро, Сингапурнинг биринчи Бош вазири Ли Куан Ю олиб борган сиёсатнинг асосида ҳам айнан шу ғоя ётади. Шунини таъкидлаш жоизки, 1965 йилда мустақил бўлган Сингапур олдида давлат сифатида яшаб қолиш ваазифаси турган. Ташқи хавфлардан ҳимояланмаган, иқтисодий ривожланмаган, ресурслари бўлмаган ва аҳолиси турли миллат ва диний конфессияларга мансуб Сингапурнинг хато қилишга ҳаққи бўлмаган.

Сингапурнинг географик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, Ли Куан Ю шундай деган экан: “Дания ёки Швеция каби давлатлар ўртамиёна ҳукуматлар билан бир амаллаши мумкин, лекин Сингапур эмас. Давлат хизмати чўқади. Агар марказда сифат пасайса, барча иккиламчи ташкилотларда ҳам сифат пасаяди... Тепада заиф одамлар бўлса, бутун тизим чўқади. Бу — муқаррардир”.

Шу мақсадда давлат бошқаруви тизимини нолдан яратар экан, Сингапур лидерлари кўпроқ давлатнинг стратегик эҳтиёжларидан ва ягона мавжуд ресурс — инсонларни самарали бошқариш заруратидан келиб чиққан.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатлари сингари Сингапур ҳам одатий иқтисодий моделлар ва давлат бошқаруви схемаларидан воз кечишда дастлаб коррупция, бюрократия, салоҳиятсиз мутахассислар етишмовчилигига дуч келган. Бироқ инсонларга тўғри инвестициялар, барча учун тенг имкониятлар яратиш, таълимни кучайтириш, академикларга урғу бериш орқали миллат ва жамиятнинг менталитетини ўзгартиришга муваффақ бўлган.

Сингапур ҳукуматининг кадрлар сиёсати учта бош тамойилга асосланган:

— давлат учун иқтидорлар ва лидерликнинг муҳим роли ва стратегик аҳамиятини англаш;

— меритократия — номзодларни касбий сифатлари ва иқтисодий асосида давлат хизматида ишга олиш ва лавозимда кўтариш (Изоҳ: Сингапурда меритократиянинг кенг қўлланилиши ҳамда жамият ва давлат ҳаётининг турли жаҳаларига кириб бораанлиги “меритократия” концепциясига бағишланган илмий изланишларнинг ривожланишига, илм-фанда Сингапур меритократиясига нисбатан “мачо-меритократия” атамасининг юзага келишига ҳисса қўйди);

— коррупцияга қарши аёвсиз кураш, ҳалол ва виждонан пок номзодларни давлат хизматида қабул қилиш. Шу ўринда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сунгги йилларда амалга оширилган мазмунли ислохотлар, давлат хизматида кадрлар сиёсати, таълим ислохотларига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимиз Сингапур каби ўтган тараққиёт траекториясидан бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бизнинг мамлакатимизда ҳам эътиборларга алоҳида эътибор беришмоқда. Меритократия тамойили қонун даражасида — Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги



сурилган “Ақлли миллат” ташаббуси ҳам айнан шундай прогрессив давлат дастурларидан бири бўлиб, ўзида ҳукуматнинг “инженерлик руҳи”ни мужассамлаштирган.

Дастур технологик ечимларни яратишда ахборот ва коммуникация технологиялари, тармоқлар ва “катта маълумотлар”дан фойдаланишни назарда тутди. Сингапурда иқтисодийнинг 80 тармоғини рақамлаштириш бўйича 23 та “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган бўлиб, янги технологиялар бизнес билан ҳамкорликда жорий қилинаётгани сабабли мамлакат юқори натижаларга эришиб келмоқда. Сингапур учун рақамли трансформация маълум вазирилик ва идоралар фаолиятини рақамлаштириш бўйича алоҳида чоралар эмас, балки мамлакатдаги давлат ва хусусий секторни тўлиқ қамраб олувчи жараёндир.

“Ақлли миллат” ташаббуси доирасида давлат даражасида рақамли трансформациянинг драйвери бўлишга қодир кадрларни тайёрлаш маънаси марказий аҳамиятга эга. Шу мақсадда Сингапурда давлат хизматчилари ва рақамлаштириш соҳасида кадрларни тайёрлаш жараёни тизимли равишда ташкил қилинган.

Бу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон ва Сингапурнинг рақамлаштириш ҳамда салоҳиятли давлат хизматчилари ва кадрларни тайёрлаш борасида муштарак мақсад ва ваазифалар бирлаштириб туришни кўриш мумкин.

Оқилона амалга оширилган сиёсат ва давлат дастурлари натижасида ҳозирги кунда Сингапур энг самарали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимига эга, дея ишонч билан айтиш мумкин. Ушбу мамлакат 2020 йилда Осиё рақамли трансформация

ЛИ КУАН Ю НОМИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ МАКТАБИ ИШТИРОКИДА БОШҚАРУВ, ШАҲАРСОЗЛИК, ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР, ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАЛАРИДА БИРГАЛИКДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ.

ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Хусусан, биринчи асосий йўналиш сифатида “Инсон капиталини ривожлантириш ва давлат бошқаруви учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш” йўналиши кўрсатиб ўтилди.

Олий даражадаги ташриф давомида Президент жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири бўлган Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактабига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари фаолияти билан танишиб, ўқув даргоҳи раҳбарияти билан икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиши давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг асосларини белгилаб берди.

Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби иштирокида бошқарув, шаҳарсозлик, инфратузилмани ривож-



етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли ҳамкорликка эга. Шунингдек, Колумбия университети, Токио университети, Ҳерти бошқарув мактаби ва Лондон иқтисодий ва сиёсий фанлар мактаби билан бир қаторда Глобал давлат сиёсати тармоғига қўшилган биринчи Осиё мактабидир.

91 мамлакатдан ташриф буюрган 3300 дан ортиқ лидер битирувчиларига эга бу мактаб дунёдаги илғор халқаро давлат бошқаруви мактабларидан биридир. Мактабнинг ўзига хос жиҳати Осиё талабаларига глобал муҳитда давлат сиёсати, давлат бошқаруви бўйича таълим олиш имконини беради. Мактабда бир қатор илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари мавжуд бўлиб, улар илмий изланишлар ва тўғри сиёсат юритиш бўйича ўз тақлиф ва тавсияларини бериб келмоқда.

Мактаб ўқув дастурлари бир неча фан соҳаларини қамраб олади ҳамда амалий тадқиқотлар ва муаммоларни ўрганиш ёндашуви билан бойитилади. Мактаб талабалари ўз

таълимини аудиториядан ташқарида ҳам кенгайтириши, кучли эмпирик далиллар ва контекстуал масалалардан фойдаланиши мумкин.

Мактабнинг мақсади — Осиё ва бутун дунё учун лидерлар ва сиёсатчиларни тайёрлаш. Мактаб битирувчиларининг кучли томонлари глобал муаммо ва тенденцияларни таҳлил қила олиш қобилиятидир. Бўлажак сиёсатчи ва лидерларга психология фани концепциялари ва бихевиоралистик ёндашув асосида инсонларнинг хатти-ҳаракатларини тушуниш ва ўзгартириш, шу тариқа долзарб муаммоларга ечим топиш ўргатилади.

Ўқув даргоҳида, шунингдек, давлат ва хусусий сектордаги топ-менеджмент учун 6 ҳафталик ўқув дастури ишлаб чиқилган. Дастур давомида ноёб ва тематик ёндашув орқали раҳбарларнинг тизимли фикрлаш ва натижага йўналганлик, оптимал натижалар учун стратегик режалар тузиш кўникмалари ривожлантирилади.

Сингапурнинг бугунги кунда эришган иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятлари замирида инсон ресурсларини ривожлантиришнинг пухта ўйланган стратегияси ва сиёсати, Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби каби олий таълим муассасалари етиштириб берган юқори малакали кадрларнинг ҳолис хизмати ётибди.

XX асрда Сингапурнинг ўз давлат хизматчиларини чет элда ўқитиши ва малакасини ошириши, таълим тизими ва дастурларини ишлаб чиқишда хориж тажрибасидан кенг фойдаланиши кучли давлат хизмати тизимининг шаклланишига катта ҳисса қўшган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳам шу йўлдан бормоқда: “Эл-юрт умиди”

жамғармаси орқали малакали давлат хизматчиларини хорижий мамлакатларда ўқитиш ва кадрларнинг янги авлодини шакллантириш тизимини йўлга қўйилган. Шу маънода, Сингапур тажрибасини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, шароитимизга мос ечим ва тақлифлар ишлаб чиқиш, доимий тажриба алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида 2023 йилда 200 нафар давлат хизматчисини Сингапурда ўқитиш ва малакасини ошириш, қўшма ўқув дастурларини ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан профессионал давлат хизматини шакллантиришга, масъулиятли, ҳалол ва виждонан пок раҳбар кадрларни тайёрлашга доимо устувор аҳамият бериб келинади. Ўзбекистон ва Сингапур тараққиёт босқичларидаги ўшаш муаммолар ва ваазифалар биз учун Сингапур тажрибасининг жозибдорлигини янада оширади.

Шу жиҳатдан келгуси йилларда Сингапурнинг давлат хизматини ривожлантириш ва давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Хусусан, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш тизими Сингапур тажрибаси асосида ва сингапурлик экспертларни жалб қилган ҳолда трансформация қилинади. Давлат бошқаруви академиясида таълим тизими, магистратура ва докторантура дастурлари илғор амалиётни жорий этиш орқали ривожлантирилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан сўнг ilk маротаба давлат хизматчиларининг компетенцияларини шакллантириш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, давлат хизматида иқтидорларни жалб қилиш ва Миллий кадрлар захирасини юритиш каби бир қатор ваазифалар қўйилди. Бу йўналишларда Сингапур давр ва муаммолар билан сингалган мукамал тизим ва меҳанизмларни ишлаб чиққан бўлиб, бу борада тажрибани ўрганиш ва мослаштириш бўйича сингапурлик экспертлар билан самарали ҳамкорлик олиб борилади.

2023 йил давлат хизмати соҳасида Ўзбекистон — Сингапур ҳамкорлигининг янги саҳифасини очиб бериши аниқ. Сингапурнинг илғор тажрибасини ўзлаштириш ва сингапурлик экспертлар билан ҳамкорлик Ўзбекистонда давлат хизматининг самарадорлик, ҳисобдорлик ва профессионализм сари янада илдамлашига ҳисса қўиши шубҳасиз.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР

ЮҚОРИ ГИДРОЭНЕРГЕТИК САЛОҲИЯТ

Ундан қандай фойдаланилмоқда?

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда ичимлик сувнинг товар сифатида халқаро ҳомашэ биржарида сотувга қўйилаётгани ҳам шундан далолат беради. Қолаверса, минтақамизда сув танқислиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга мурраккаблашиб бормоқда. "Яшил энергия" яратишда ҳам унинг аҳамияти катталаниши ҳисобга олиб, табиатнинг мазкур инъомидан фойдаланишни кун тартибига долзарб қилиб қўймоқда.

Кичик гидроиншоотлар — муқобил энергияни ривожлантиришнинг энг самарали йўналишларидан бири. Олис масофадаги ва етиб бориши қийин, узатиш линияларини етказиш имконияти чекланган жойларда илҳам электр станциялари жуда асқатади. Бунинг учун энг қулай манба — кичик дарёлар, каналлар, сойлар, сув омборларидан тушадиган ўзлардаги оқимлар.

Ер юзидagi гидрологик ўзига хосликлар таҳлилдан келиб чиққанда, ундаги сув оқимлари катта, ўрта ва кичик дарёлар ҳамда сойларга бўлинади. Асосий салмоқ кичик дарёлар ҳиссасига тўри келади. Улар бир географик ҳудудда жойлашган, узунлиги 26 километрдан 100 километргача, йиллик ўртача сув

жумладан, Амударё ҳавзасида бу кўрсаткич 20,6, Сирдарё ҳавзасида эса 46,7 фоизини ташкил этади. Бу рақамлар қайси ҳудудларда микро ва кичик электр станциялари қуриш имкониятини ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Лекин бу ҳар қандай кичик дарёда илҳам ГЭС қуриш мумкин, дегани эмас. Бунинг учун сув йил бўйи барқарор оқиб туриши зарур. Аксинча ҳолатда, яъни баҳорда тошиб, ёз келиши билан қуриб қолса, бундай жойда электр станцияси қуриб бўлмайди, сарфланган сармоя ҳавога учади.

Биргина мисол: тadbirkorлар томонидан микро ва кичик ГЭС қуриш имконияти мавжуд бўлган майдонлар тўғрисида берилган маълумотларга асосан, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ва тавсиялар бериш мақсадида Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳри ва Бўстонлик тумани, Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган 7 майдон "Ўзгидропроект" АЖ мутахассислари иштирокида ўрганилди. Натижада уларнинг 4 тасида гидроиншоот қуриш мақбуллиги аниқланди.

— Микро ГЭС халқаро стандартларга кўра, асосан қуввати 0,1 кВтдан 100 кВтгача бўлган гидроэнергетик қурилма бўлиб, у турбина, тасмалли ва редукторли узатмалар ҳамда асинхрон генератордан



гидроэнергетикада салоҳият юқорилигини алоҳида таъкидлаб, қувватларни кескин ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Бу борада микро гидроэлектростанциялар қуриш мумкин бўлган 250 майдон аниқлангани, ҳисоб-китобларга кўра, келгусида бу иншоотларда йилга 675 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлаб чиқарилиб, 200 миллион куб метр газни тежаш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимизнинг 2022 йил 9 сентябрдаги "Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида микро ва кичик ГЭСларни қуриш, аҳоли эҳтиёжи ҳамда тadbirkorлик учун электр энергия ишлаб чиқариш бўйича белгиланган вазифаларда ана шу имкониятни ишга солишнинг амалий йўналишлари ўз ифодасини топган.

— Фармонда асосий фаолияти қуёш ва шамол электр станциялари ҳамда кичик гидроэлектростанциялари қуриш-маларини ишлаб чиқариш бўлган, шу жумладан, 2025 йил 1 сентябрга қадар янги ташкил этиладиган юридик шахслар тadbirkorлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч йил муддат давомида фойда ҳамда мол-мулк солиғини белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида тўлашлари кафолатланган, — дейди "Ўзбекидро-энерго" АЖ хусусий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Авазбек Зокиров. — 2022 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 5 МВтгача бўлган гидроэлектр станцияларда ишлаб чиқарилган электр энергияси "Худудий электр тармоқлари" АЖ ва давлат томонидан электр энергиясини харид қилувчи функцияси (ваколати) берилган орган томонидан кафолатланган тарзда сотиб олинishi назарда тутилган.

Бундай гидроэлектростанцияларни қуриш бўйича лойиҳа ташаббускорлари Энергетика вазирлиги бюроти маси асосида "E-AUKSION" электрон савдо майдончасида ўтказиладиган аукцион

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ЮРТИМИЗ ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ, ХУСУСУАН, МИКРО ВА КИЧИК ГЭСЛАРНИ КЕНГ ҚўЛАМЛИ ҚУРИШ ҲАМДА ЗАРУРИЙ УСКУНАЛАРНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ БОРАСИДА КАТТА ИМКОНИЯТГА ЭГА ВА БУ ЙўНАЛИШДА ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ БОШЛАНЯПТИ. ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГИДРОЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ЮҚОРИ ТАЖРИБАГА ЭГА "ZHEJIANG JINLUN ELECTROMECHANIC" ВА ХИНДИСТОННИНГ "MACLESC TECHNICAL PROJECT LABORATORY" КОМПАНИЯЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУВВАТИ 2 МВТДАН 15 МВТГАЧА БўЛГАН ГИДРОАГРЕГАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИШЛАРИ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ.

натижалари асосида аниқланади. Бунда, бошланғич нарх II гуруҳ истеъ-молчилари учун белгиланган тарифга нисбатан, қуввати 500 кВтгача бўлган гидроэлектростанцияларга 150 фоиз, 500 кВтдан 2 МВтгача бўлганларига 120 фоиз, 2 МВтдан 5 МВтгача бўлганларига эса 100 фоиз миқдорида қўйилади.

— Яна бир муҳим жиҳат. Микро ва кичик гидроэлектростанцияларни қуриш учун талаб этиладиган ер участкалари белгиланган тартибда жамоат эҳтиёжлари учун Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади ва кейинчалик электрон аукцион қолиби бўлган тadbirkorлик субъектига узок муддатли ижара ҳуқуқи асосида тақдим этилади. Бу борада, мазкур фармон асосида тadbirkorлар қуввати 5 МВтгача бўлган микро ва кичик ГЭСларни (сув йиғиш иншоотларини қурмасдан) барпо этиб, электр энергиясини ишлаб чиқаришлари мумкин.

"Ўзбекидроэнерго" АЖ томонидан тadbirkorларга қўлайликлар яратиш борасида микро ва кичик ГЭСларга оид маълумотларни олиши ҳамда жамиятнинг тегишли мутахассислари билан тўғридан-тўғри боғланишлари учун телеграм илҳимий тармоғида "Мен ҳам ГЭС қураман" махсус боти ишга туширилди. Мазкур бот орқали микро ва кичик ГЭСларни қуришга оид қонуний асослар, яратилаётган имкониятлар, тақдир этилаётган лойиҳа майдонлари ва мутахассисларга тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун алоқа маълумотлари бериб келиняпти.

Бу ортақча овозгарчиликларнинг олдини олишда қўл келаяпти. Узок масофадан туриб ҳам махсус бот орқали микро ва кичик гидроэлектростанция қуриш учун тақдир этилаётган лойиҳаларнинг худудлар бўйича жойлашув манзилларини танлаб, ўз тақдирларини билдириши мумкин.

— Айни пайтга қадар 50 лойиҳа паспорти, ер майдонлари топотасвирига туширилиб, уларнинг контуралари аниқланди, — дейди "Ўзбекидроэнерго" АЖ бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов. — Уларнинг 17 таси бўйича тadbirkorларга тақдим этиш учун ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилди, 14 таси юзасидан ер майдонлари маҳаллий идоралар билан келишилди, "E-AUKSION" электрон платформасида савдоларга қўйилди.

Жорий йилда яна 50 гидроиншоот бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, уларни электрон аукционга қўйиш устида иш кетаяпти. "Ўзбекидроэнерго" АЖ томонидан тadbirkorларга бепул равишда бизнес-режа ишлаб чиқиш, мақбул техник ечимларни танлаш ва лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиб келиняпти.

Лойиҳалар учун маҳаллий ускуналар

Президентимиз яқинда саноат тармоғининг имкониятларини ишга солиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида 2023 йилда 100 та микро ГЭС қуриш бўйича лойиҳалар бошланиши,

улар учун зарур бўлган 10 миллион долларлик ускуналарни маҳаллий корхоналарда бемалол ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигига алоҳида урғу берган эди.

Мутахассисларнинг фикрича, юртимиз гидроэнергетика соҳаси, хусусан, микро ва кичик ГЭСларни кенг қўламли қуриш ҳамда зарурий ускуналарни маҳаллийлаштириш борасида катта имкониятга эга ва бу йўналишда түб бурилиш даври бошланяпти. Хитой Халқ Республикасининг гидроэнергетика соҳасида юқори тажрибага эга "Zhejiang Jinlun Electromechanic" ва Хиндистоннинг "MACLESC technical project laboratory" компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда қуввати 2 МВтдан 15 МВтгача бўлган гидроагрегатларни ишлаб чиқариш ишлари бошлаб юборилди.

— Режага мувофиқ, мазкур ишлар икки босқичда амалга оширилиши назарда тутилган, — дейди Авазбек Зокиров. — Биринчи босқичда 2 МВтгача, иккинчи босқичда эса, 15 МВтга бўлган гидроагрегат ва турбиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ҳамкорликдаги лойиҳалар Марказий Осиё мамлакатлари ичидан илк бор Ўзбекистонда амалга оширилмоқда. Мазкур турбина ва гидроагрегатлар ўзбек миллий бренди — "Made in Uzbekistan" ёрлиги остида тайёрланиб, қўшни Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Афғонистон, шунингдек, бошқа давлатлар бозорига ҳам тақдир этилади.

Айтиш лозимки, ушбу ҳамкорлик доирасида юқори инновацион технологик қурилмаларнинг мамлакатимиз гидроэнергетика соҳасида илк бор ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилапти. Бу молиявий сарф-харажатларни иқтисод қилиш, сифатли ва замонавий стандартларга асосланган агрегатларни ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш, қўллаб-янгиларни яратилишига хизмат қилади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи



сарфи секундига 2-18 куб метр, ҳавзасининг майдони 100-1000 квадрат километр атрофида бўлган охиёҳат оқимларидан иборат. Соиларнинг узунлиги 25 километрдан, ҳавзаси юз километрдан, йиллик сув сарфи 2 куб метрдан ошмайди. Ўрта ва катта дарёларнинг узунлиги эса энг камида 100 километрдан бошланиб, бошқа параметрлари ҳам юқори кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Мамлакатимизда катта-кичик 430 дарё бор. Уларнинг умумий узунлиги 12,7 минг километри ташкил этади. Сув таъминотида ийрик дарёлар билан бир қаторда, кичикларнинг ҳам аҳамияти катта. Улар юртимизда ишлатиладиган жами сув ресурсларининг 30,2 фоизини,

иборат, — дейди "Ўзбекидроэнерго" АЖ бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов. — Гидротурбиналар сувнинг тез оқими тудайли қувват ҳосил қилади. Сув қанча тез ва барқарор оқса, шунча кўп электр қуввати ишлаб чиқарилади. Қурилиш жараёни ва фойдаланиш даврида табиий ландшафт ҳамда атроф-муҳитни бузмайди. Сув сифатига салбий таъсир кўрсатмайди, яъни асл табиий ҳусусиятини йўқотмайди. Шу боис, улар ҳар жиҳатдан фойдали ва нисбатан арзон электр энергияси ҳосил қилишда қўл келади. Бу эса юртимизнинг турли ҳудудларида янги ГЭСлар қуриш учун шароит яратаяди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 19 январь куни ўтказилган тақдиротда

БУГУННИНГ ГАПИ

ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМ — МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯНИ ҚўЛЛАШНИ ҚўПАЙТИРИШ



Одилжон АТАУЛЛОЕВ, Нурафшон шаҳар "Чигирик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, аҳоли сони, янги қуриладиган хонадонлар, янги иқтисодий қувватларнинг ишга тушуши электр энергиясига бўлган талабни оширмоқда. Бу эса ўз навбатида, электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тежамкор воситалар ҳамда муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишини тақозо этмоқда.

2023 йилнинг аномал совуқ билан бошланиши бу борадаги вазифаларни зудлик билан амалга оширилиши заруратини янада кучайтирди. Аҳолининг электр, қуз-қиш мавсумида эса газга эҳтиёжи кескин ортиши сабабли барча

ИНСОН КАДРИНИ УЛУГЛАШ УЧУН ҲАР БИР ЮРТДОШИМИЗНИНГ ХОНАДОНИДА ЯХШИ ЯШАШИГА ШАРОИТ ЯРАТИЛИШИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ БИЛАН БЕВОСИТА БОГЛИК. ЎЗБЕКИСТОНДА БУ МАҚСАДЛАР УЧУН БИР ЙИЛДА 10 МИЛЛАРД ДОЛЛАРЛИК ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ВА ГАЗ ЙўНАЛТИРИЛМОҚДА.

юклама электр тармоқларига тушади. Мутасаддиларнинг фикрича, ҳозирги кунда камида 2-3 миллиард киловатт-соат электр энергиясига қўшимча талаб мавжуд. Келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж яна 10 миллиард киловатт-соатга ортиши мумкин.

Бундай вазиятда энг самарали йўл — муқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтириш ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда амалий ишлар бошланган.

Президентимизнинг 2022 йил 2 декабрдаги "2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётига ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш, "яшил" иқтисодиётига ўтиш стратегияси доирасида "яшил" ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида бажарилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида

ресурсларни тежаш йўлидаги муҳим ҳужжат десак муболага бўлмайди. Қарор билан тасдиқланган 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсишни таъминлаш дастурида бир қатор муҳим стратегик мақсадларга эришиш кўзда тутилган.

Шунингдек, қарор билан саноат тармоқларида "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш бўйича концепция, 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида "яшил" иқтисодиётга ўтиш ва "яшил" ўсишни таъминлаш бўйича ҳаракатлар режаси, 2022-2026 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ёқилги-энергетика ресурсларини тежашнинг мақсадли параметрлари ҳам тасдиқланган. Шу билан бирга, ҳужжат билан "яшил" иқтисодиётнинг жорий этиш ва уни ривожлантириш бўйича ваколатли давлат органлари белгиланиб, мутасадди вазирлик ва идораларнинг бу борадаги вазифалари аниқ қилиб кўрсатиб ўтилган.

Инсон кадрини улуглаш учун ҳар бир юрtdошимизнинг хонадонида яхши яшашига шароит яратилиши электр энергияси ва табиий газ таъминоти билан бево-

сита боғлиқ. Ўзбекистонда бу мақсадлар учун бир йилда 10 миллиард долларлик электр қуввати ва газ йўналтирилмоқда. Агар бунинг 10 фоизи иқтисод қилинса, бу 1 миллиард долларни бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаш имкониятини юзага келтирарди.

Ўтган йилнинг 10 июнь куни Президентимиз расмиёида ўтказилган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган йиғилишда ана шундай рақамлар келтирилган экан, бугунги кунда бунинг энг самарали ва мақбул йўли — муқобил энергияни қўллашни кўпайтириш эканлиги алоҳида қайд этилган эди.

Давлатимиз раҳбари ушбу масала умумимиллий аҳамиятга эгалигини эътироф этиб, муқобил энергия ускунасини ўрнатган аҳоли ва тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилишини таъкидлади.

Мазкур янги тизим 2022 йилнинг 1 сентябрдан амалиётга жорий этила бошланди. Бунда аҳоли ва тadbirkorларга бир қатор қўлайлик ва имтиёзлар берилди. Жумладан, ўрнатилган қуёш ва шамол электр ускуналари учун қувватига қараб 15 миллион сўмгача, сув иситиш қурилмаси учун эса 2 миллион сўмгача компенсация тўлаш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ускуна қиймати 3 йил

ичида фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилди.

Ушбу тизим Энергетика вазирлигининг махсус жамғармаси орқали жорий этилди. Муқобил энергия ускуналарини ўрнатиш истагида бўлган аҳоли ва тadbirkorлар бу имкониятлардан фойдаланиши учун бирор-бир идорага бориш шарт эмас. Барча ҳужжатлар ускуна харид қилинадиган жойнинг ўзида ҳал бўлади.

Бунинг учун жамғарма маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда худудлардаги сотувчилар билан ҳамкорлик шартномаларини тузади. Ишлаб чиқарувчиларнинг аҳоли ва тadbirkorларга ускуналарни бўлиб-бўлиб тўлашга бериш харажатлари жамғарма томонидан қоплаб берилади. Жамғармага эса ушбу компенсация тўловлари учун зарур маблағ ажратилади.

Ўзим ҳоким ёрдамчиси сифатида фаолият юритаётган Нурафшон шаҳридаги "Чигирик" маҳалла фуқаролар йиғинида 312 хонадон, қатор тadbirkorлик субъектлари мавжуд. Айни кунда ушбу имтиёз ва имкониятлар, айниқса, ўтган йил декабрида ва шу йилнинг январиде кузатишган совуқ об-ҳаво шароитида тежамкор қуёш электр панелларининг аҳамиятини маҳалламиз аҳли ва тadbirkorларимизга тарғиб қилляпмиз.

Бу борада биринчи навбатда, тadbirkorлик субъектларига, кейин аҳоли хонадонларига қуёш панелларини ўрнатиш учун тизимли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Энг муҳими, бу жараён, аввало, пулни иқтисод қилиш ва электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларга барҳам беришни ҳар бир фуқарога аниқ мисоллар орқали етказяпмиз.

Қуёш панеллари ва сув иситкичларини хонадонларга ўрнатиш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани, хусусан, ушбу қурилмаларнинг қувватига қараб яхшигина компенсация тўлаши, бу ускуналар ўрнатилганда фуқаролар учун ҳеч қандай қўшимча солиқ ёки тўловлар жорий этилмаслиги, айниқса, қуёш панелларидан олинган энергиянинг эҳтиёждан орган қисмини худудий электр тармоқлари корхонасига сотиш мумкинлиги кўпчилиқда қизиқиш ўйотмоқда.

Аҳамиятлиси, бундай қурилмаларнинг қўп ўрнатилиши мамлакат иқтисодиётига ҳам фойда. Электр энергия муқобил энергия манбаларидан олингани сари, табиий манбалар тежаллади. Энергетика тармоқларидаги юкламаларни енгилаштириш, аварияларнинг олдини олиш, тармоқлардаги технологик йўқотишларни пасайтириш имконияти ошди. Асосийси, экологик тоза, "яшил" энергияга ўтиш жараёни фаоллашади.

2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

БИЛИМЛИГА ДУНЁ КЕНГ



Бошланғич 1-бетада

Хар бир давлат истиқболи, дунё миқёсида обрў-эътибори ёшларни қўллаб-қувватлашга, таълим даргоҳларида уларга билим берадиган илмий кадрлар малакасига бевосита боғлиқ. Шу нуқтани назардан қараганда, юртимизда ёшларнинг пухта билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Филиал очилган йили унга 25 нафар талаба қабул қилинган бўлса, ҳозирги вақтда 9 таълим йўналиши бўйича 942 нафар йигит-қиз билим олмақда. Бугунги кунда муассасамиздаги 1 факультет, 5 кафедрани 59 нафар профессор-ўқитувчи талабаларга таълим-тарбия бериб келади. Улар орасида 6 нафар профессор, 9 нафар фан номзоди, 5 нафар доцент, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар, Қорақалпоғистон халқ бахшилари бор.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб филиалда сиртки бўлим очилди. Мазкур бўлимга дастлабки йили 100 нафар талаба қабул қилинган бўлса, бугунги кунда 538 йигит-қиз таҳсил олмақда.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб филиалда магистратура, бакалаврият таълим йўналишлари бўйича янгидан учта — эстрада актёрлиги, эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги, бахшичилик ва достончилик таълим йўналишлари очилган.

Президентимиз 2020 йил 25 декабрь кунини Ўзбекистон ёшлари форумида хар бир туман ва шаҳардан беш нафар талабани маданият ва санъат олий таълим муассасаларида маҳаллий бюджет ҳисобидан ўқитиш ташаббусини илгартирган эди. Биз буни ёшларга қаратилган алоҳида эътибор деб биламиз, — дейди филиалнинг сиртки бўлими бошлиғи, филология фанлари номзоди Даўлетмурат Пахратдинов. — Бу ташаббус асосида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларида маданият ва санъат соҳасида фаолият кўрсатаётган 85 нафар, Хоразм вилоятидан 65 нафар йигит-қиз талабалikka қабул қилинди. Ҳозир улар 3-курсда таҳсил олмақда.

Мен 2006 йилдан буюн Шуманай туман маданият бўлимида ишлаб келаман, — дейди филиалнинг 3-курс талабаси Зияда Сейдуллаева. — 2005 йили Қалли Айимбетов номидаги маданият коллежининг хореография бўлимини тугатганман. Оилали бўлганим боис,



ФИЛИАЛДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИГА БЎЛГАН ЭЪТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, ЯНГИ АДАБИЁТЛАР ХАРИД ҚИЛИШ АСОСИДА АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ КИТОБ ФОНДИНИ ОШИРИШ, МАВЖУД АДАБИЁТЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ФОРМАТИНИ ЯРАТИШ ҲАМДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН АДАБИЁТЛАРНИ ЧОП ЭТТИРИШ БЎЙИЧА ҲАМ КЎПЛАБ ИШЛАР ҚИЛИНАПТИ. БУГУНГИ КУНДА ФИЛИАЛНИНГ АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИДА 15 883 НУСХА КИТОБ МАВЖУД.

таълим олишининг йўлини топа олмай келаётганим. Давлатимиз раҳбарининг хар бир туман ва шаҳардан беш нафар талабани маданият ва санъат олий таълим муассасаларида маҳаллий бюджет ҳисобидан ўқитиш бўйича берган тавсияси асосида ўқишга қабул қилиндим. Менга шундай имконият берилганидан жуда хурсандман.

Филиалда талабаларнинг ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжини қондириш, янги адабиётлар харида қилиш асосида ахборот-ресурс маркази китоб фондидини ошириш, мавжуд адабиётларнинг электрон форматини яратиш ҳамда профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган адабиётларни чоп эттириш бўйича ҳам кўплаб ишлар қилинапти. Бугунги кунда филиалнинг ахборот-ресурс марказида 15 883 нусха китоб мавжуд.

Сунги йилларда таълим соҳасини янада ривожлантириш учун илгор давлатлар тажрибаси амалиётга татбиқ этилмоқда. Филиалда етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан илмий ва академик ҳамкорлик олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Айтиш мумкин, 5 хорижий ОТМ билан меморандум ва шартномалар имзоланган. Бу келишувлар доирасида кафедралар кесимида ҳамкорлик ишлари тобора кенгайиб бормоқда. Жумладан, З.Исмагилов номидаги Уфа давлат санъат институти, Сибирь давлат санъат институти,



ислохотлар халққаро стандартлар асосида ва меҳнат бозори талабига мос кадрларни тайёрлашда муҳим восита ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, кейинги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини ислох қилиш, ёшларнинг олий таълимга қамров даражасини ошириш, талабаларни турар-жой билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Филиал учун 9 қаватли, 300 ўринли ётоқхона биноси янгидан қурилади ва мавжуд ўқув биносида капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Сунги пайтларда ёшлар китоб ўқимай қўйди деган фикрларни қўлга гапиряпти. Бу гапда ҳам жон бор, албатта. Лекин бир нарсани ҳам унутмайлик, интернет тармоғи ривожланган, кўпчилик электрон китобларни ўқишга ўтди. — дейди институтнинг маданият ва кутубхона фаолияти таълим йўналишини тугатган Улбосин Убайханова. — Мен ўтган йили ушбу мутахассисликни битириб, бугунги кунда Самарқанд давлат ветеринарий медицинаси, қорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиалида кутубхоначи бўлиб иш бошладим. Ушбу касбни танлашимдан мақсад — китоб муталаасини яхши қураман. Қолаверса, болалар, ёшларни китоб ўқишга ундаш, қизиқтириш жараёни жуда қизиқ ва мароқли.

Албатта, билим олишга, дунёга илмий нигоҳ билан боқиниш истовчи ёшларга қилинаётган гамхўрликлар уларни янада янги марралар сари руҳлантиради. Таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги фармони қабул қилинган. Ушбу муҳим ҳужжатга кўра, республикадаги камиди 10 олий таълим муассасасини халққаро эътироф этилган ташкилотлар

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири



ИЛМ-ФАН

Атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши биохилма-хиллик мувозанати бузилиши, қишлоқ хўжалиги экинларида учрайдиган айрим зараркундалар кескин кўпайишига сабаб бўлмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, зараркундаларнинг дунё қишлоқ хўжалигига салбий таъсири 1,4 триллион долларга тенг деб баҳоланапти. Бу глобал ялпи ички маҳсулотнинг сезиларли камайишига олиб келади. Шу боис, қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экинларни зарарли организмлардан ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бирига айланди.

Фойдали ҳашаротлар — ЭКОЛОГИЯГА КЎМАКЧИ

Улар ёрдамида кимёвий препаратларсиз, соф маҳсулотлар етиштирилади

Президентимиз раислигида 2021 йил 25 майда ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича Ўтказилган йилгида ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айтиш кераки, ўсимликлар ҳимояси озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажминини оширишда жуда муҳим тизимдир. Ушбу жаҳада илм-фанни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш масаласи бугун катта аҳамият касб этади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтининг моддий-техник базасини яхшилаб, малакали кадр ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланган.

Мазкур вазифалардан қўлиб чиқиб, ҳозир соҳада инновацион усуллардан кенг фойдаланиш, жумладан, биомаҳсулотларни кўпайтириш ва тарқатиш янги инновацион босқичга олиб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Тошкент давлат аграр университети ва филиалларида соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизимини кучайтириш, илмий салоҳиятни ошириш ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан таъминлаш ишлари жадал давом этапти.

Жумладан, Расул Жумаев соҳада фаол меҳнат қилаётган ёш олимлардан. Айтиш мумкин, уларнинг қишлоқ хўжалигида янги йўналишга бошлаган. Бунинг самараси ўларок, "Ўзбекистон Республикасида энг ёш олим" кўрик-танлови ғолиби бўлди. Шунингдек, у халққаро илмий конференция ва симпозиумларда фаол қатнашиб, хорижий олимлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Германия, Португалия, Эстония, Хитой, Италияда қишлоқ хўжалиги соҳаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича малака ошириб қайтган.



Бу эса назарий ва амалий билимлари кенгайтиришда, фаолиятида катта самара берапти.

Экологик тоза маҳсулотларга талаб кўндал-кўнга ошиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кимёвий препаратлар мидқорини камайтириш ва унинг ўрнига экологик тоза, биологик усуллардан фойдаланиш эҳтиёжини кучайтирмоқда, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг ўсимликлар карантинини ва ҳимояси кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Расул Жумаев. — Юртимиздаги биологик лабораторияларда биомаҳсулотлар катта машаққат билан кўпайтирилади. Жумладан, бракон ва трихограмма (қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркундалардан биологик ҳимоя қилишда қўлланадиган фойдали ҳашаротлар) лаборатория шариотида кўпайтиришдаги асосий муаммолардан бири улар учун керакли хўжайин турларини доимий мунддатда катта ҳажмда кўпайтиришдир. Браконни кўпайтиришда мум қуяси қуртларидан, трихограммада эса дон қуяси тухумларидан фойдаланилади. Биомаҳсулотларни кўпайтиришда in vitro усулидан фойдаланиш энг мақбул йўл бўлиб, сунъий озуқа муҳитида уларни етиштириш, сақлаш ва самарали турларни ажрати олиш каби вазифаларни белгилаб

беради. Паразит энтомофагларни in vitro усулида кўпайтириш юқоридagi кўплаб муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Биологик лабораторияларда биомаҳсулотларни бундай усулда кўпайтириш ўсимликлар ҳимояси соҳасида катта имкониятлар эшигини очади. Айтмика, зараркундаларга қарши биомаҳсулотларни ўз вақтида етиштириш орқали бўғдой, арпа, маккажўхори, шакр каби озуқа манбалари тежаб қолинади. Энг муҳими, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади. Ушбу усулни бошқа йўналишларда ҳам қўллаш мумкин. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги экинларига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган зарарли организмлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида Ўсимликлар карантинини ва ҳимояси агентлиги марказий лабораториясида ҳашаротларнинг ДНК идентификацияси бўлимини ташкил қилишга зарурат сезилмоқда. Қолаверса, Ўсимликлар карантинини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институтида Ҳашаротлар молекуляр систематикаси ва ген муҳандислиги (in vitro) илмий лабораториясини ишга туширсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу юртимизга хориждан кириб келиши мумкин бўлган ўта зарарли организмларни тез ва аниқ молекуляр тизимли таҳлил қилиш имконини беради. Ҳозир дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳашаротларнинг ДНК идентификацияси таҳлилсиз бирорта аниқ маълумот келтирилмайди.

Президентимиз ўтган йил 20 декабрда олий мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида "бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу — 2017 йилдагига нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани. Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.



Ҳақиқатан, бугун қишлоқ хўжалигида фундаментал тадқиқотларсиз, уларнинг амалиётдаги синови натижаларисиз ютуқларга эришиб бўлмайди. Буни Тошкент давлат аграр университетининг агроиктисодиёт ва туризм кафедраси мудири Учқун Белгаевнинг тадқиқоти мисолида кўришимиз мумкин. Ёш малакали мутахассис сифатида у 2011-2012 йилларда Германиянинг LOGO дастури бўйича бир йиллик амалиёт ўтаб келди. Шунингдек, 2018 йилда Хитойда Ўзбекистонда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси бўйича ташкил этилган малака ошириш курсини имтиёзли тамомлаб, махсус сертификатни қўлга киритган.

Бугунги кунда ёш олимнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига оид янги ташаббуслари ва илгор гоғларни катта аҳамият касб этмоқда. Учқун Белгаев 2018-2021 йилларда "Балиқчилик хўжалиқларини барқарор ривожлантириш ва бошқарув механизминини такомиллаштириш" мавзусида илмий изланиш қилди. Тадқиқотда балиқчилик хўжалиқларининг бошқарув механизми ва хўжалиқлар фаолиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ очиб берилган. Ёш мутахассис томонидан бошқарувнинг балиқчилик хўжалиқлари бўйича Қарши туманидаги замонавий "Намуна балиқчилиги кластер" МЧЖ, наслчиликка ихтисослашган

балиқчилик хўжалиги ва заводнинг тузилмаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижасида балиқчилик хўжалиқларини бошқаришда 1 гектар майдондаги сув ҳавзасида аънанавий ва интенсив усулда балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ҳисоблаб берилди, — дейди Учқун Белгаев. — Хусусан, интенсив усулда аънанавий усулга нисбатан балиқ етиштиришдан 619 миллион сўм кўп соф даромад олинди, рентабеллик даражаси 182,7 физ кўпайди. Интенсив усулда балиқ етиштириш хўжалик даромади ошишига хизмат қилиш билан бирга, янги бошқарув тизими асосида молиявий фаолияти яхшилашига кўмаклашди. Бундан ташқари, Қашқадарё вилоятидаги 212 та балиқчилик хўжалиги таҳлил этилиб, гуруҳлаш усули ёрдамида ҳулосалар олинди. Унга кўра, сув ҳавзалари ва балиқ турлари қанча кўп бўлса, хўжалик шунча ортиқ билан даромад олишга эришиди. Қолаверса, хар бир балиқчилик хўжалиги юқори фойда олишга интилади. Бунда хўжалиқларнинг ихтисослашуви ҳам муҳим аҳамият касб этди. Уларда етиштирилган балиқ маҳсулотларининг товарбонлик даражаси қанчаллик юқори бўлса, даромади ўртача 20 физ ошди. Инфратузилма объектлари билан самарали ҳамкорлик балиқчилик хўжалиги даромади ошишига таъсир қилиши исботланди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

сифати ва экспорт салоҳиятини оширишга янгича ёндашувлар давр талабига айланиб бормоқда. Мамлакатимиз келажаги, унинг тарқиқоти бевосита илм-фанга, инновацион омиларга, бунинг учун сифатли таълимга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу нуқтани назардан, ёш олимларнинг илмий тадқиқотлари, эришган ютуқлари илм-фан ривожига ҳисса қўйса, инсон манфаатлари йўлида ҳам қишлоқ хўжалиги тарқиқоти этади, ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар ижроси таъминланади.

Президентимиз ўтган йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида "Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу — 2017 йилдагига нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани. Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди. Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади. Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак", дея таъкидлади. Бу юксак вазифа ва режалар ёш олимларни танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлиш, иқтисодини эзгу мақсад йўлида сарфлаш, мамлакатимиз ривожини ҳамда тарқиқотига ҳиссасини қўшишда катта рағбат беради. Шу билан бирга, илм аҳлини кадрлаштириш, ёшларда олим бўлишга истакни кучайтиради. Бир сўз билан айтганда, Учқун Белгаевнинг пойдеворини барпо этиш, мамлакатимиз дунёнинг тарқиқоти этган давлатлари қаторига чиқиш учун интеллектлар ва маънавий етук, ташаббускор ёшларни тарбиялашга хизмат қилади.

Гулсум ШОДИЕВА, журналист

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

“**ЎТТАН ИККИ ЙИЛДА “МЕХРИБОНЛИК” ҲАМДА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНГАН, 18 ЁШГА ТЎЛГАН ВА УЙ-ЖОЙГА МУҲТОЖ 48 НАФАР ЙИГИТ ВА ҚИЗГА БАРЧА ШАРОИТЛАРГА ЭГА ХОНАДОН КАЛИТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ. ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ЯНА 63 НАФАР ЕТИМ ВА ОТА-ОНАЛАР ҚАРАМОГИДАН МАХРУМ БЎЛГАН ЁШЛАР УЙ-ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.**”

Меҳрга тўла масканда яшаётган қизларнинг бошқалардан кам бўлмасдан камолга етишлари учун барча шароит яратилган. Миллий гвардия ва вилоят ҳокимининг ташаббуси билан китоб ва дарсликлар тўплами, телевизор ва компьютер жамланмалари совға қилинди. Оила бекаси уларни ўзбекиона урф-одат ва анъаналар асосида ҳаётга тайёрлаш-

МЕХР-ОҚИБАТ ВА ИНСОНИЙЛИК НАМУНАСИ

АҚШнинг “Eurasianet” нашри Фарғона вилоятида етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган болаларга таълим-тарбия бериш, парваришlash борасидаги ўзига хос тажриба ҳақида мақола эълон қилди. Бу бежиз эмас. Фарғона вилоятида оилавий болалар уйи ташкил этиб, меҳрга ташна мурғак қалбларга иссиқ бағрини очган, ташаббускор оилалар кўпчилигини ташкил этади.



Меҳрибонлик уйида ҳамма нарса бор эди. Лекин ота-она, яқинлар дийдори, меҳри йўқ. Бу оила бағрига келиб, ўқисик кўнглимиз ёришди. Оилавий ҳаёт, кўни-кўшилар билан доимий илқ муносабатлар қуршовида яшашнинг гашти бошқача. Синфдошларим, бошқа тенқурлар билан эски қадрдонлардек иноқлашиб кетганмиз. Бирга машғулотларга қатнашимиз, дам олиб, ҳамсухбат бўламиз. Оиланинг тўнғич фарзанди Дурдона тумандаги 22-умумтаълим мактабининг 8-синфида тахсил олади. Мактабдан сўнг тумандаги мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган зардушлик тўғрисида касб сирларини ўрганапти. Опаларидан ибрат олган Мафтуна дуторчилик, Нилуфар рақс тўғрисидаги фаол аъзоларига айланган. Ҳали, Гулзода ва Гулнора ҳам умумтаълим мактабининг аълочи ўқувчи-

лари сифатида тенқурларига ибрат бўлиб келади. — Уйга келиб қизларим кўзлариданги шукроналик, бир-бирларига бўлган меҳрни кўриб чарчокларимни унутман, — дейди Назокатхон Комилова. — Ҳаракатларимиз бесамар кетмаётганига шукр қиламан. Уларни ҳаётга тайёрлаш, билим ва кўникмаларини оширишда ота-онанинг хизмати, таълим-тарбияси беҳисоб. Узим катта оилда воёга етганман. Келин бўлиб тушган хонадоним ҳам болажон оила. Шу боис, қизлар билан тезда тил топишдик. Ҳар бири ўзгача фазаилат ва иқтидорга эга. Ҳаёт, фан, касб тўғрисидаги маълумот ташқари уй шароитида турли пиширик тайёрлаш, бичиш-тиқиш сирларини ўргатишга ҳаракат қиламан. Асосийси, ҳаётда ўз уринларини топиш, жамиятга керакли инсон бўлиб камолга етказиш.

га бош-қош. Уй-жойларни тартибга келтириш, хўжалик юмушлари билан боғлиқ барча ишлар ҳамжихатликда амалга оширилади. — Маҳалламизда “Мурғак қалб” ва “Меҳрибон қалб” номли оилавий болалар уйи фаолият кўрсатиб келади, — дейди “Ингичка” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Эргашев. — Улардан тез-тез хабар олиб тураемиз. Яқинда музлаткич, тикув ва кир ювиш сингари маиший техника жиҳозлари олиб бердик. Қишлоқ-қировли кунларда совқотмаслик учун кўмир ва ўтин билан таъминланди. Оилавий болалар уйидаги ёшлар маҳалламизнинг суюкли фарзандларига айланиб кетган. Ҳудудимизда бўлаётган турли тадбирларда улар ҳар жиҳатдан фаол иштирок этади. “Меҳрибон қалб” номли оилавий болалар уйида 8 нафар қиз камолга етмоқда. Бу оила қўрғонда қувончли воқеалар кўп бўлади. Жумладан, янги ўқув йилида оиланинг тўнғич қизи Шаҳноза Абдуллаева Қўқон давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Оқибатхон ва Комилахон эса биринчи синф ўқувчилари сафида мактабга борди. Президентимизнинг 2021 йил 9 августда қабул қилинган “ЕТИМ БОЛАЛАР ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОГИДАН МАХРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ТУБДАН ЯНГИ-ЯНГИ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ АСОСИДА МЕХРИБОНЛИК УЙЛАРИ, БОЛАЛАР ШАҲАРЧАЛАРИ, ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙЛАРИ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИНИ БОЛАЛАР УЙЛАРИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯГА БИРИҚТИРИЛГАН ЭДИ. ҲАММИЗДА МАЗКУР ҚАРОР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА 15 ТА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ЕТИМ, ОТА-ОНА ҚАРАМОГИДАН МАХРУМ БЎ-



“**МЕХРГА ТАШНА ҚИЗЛАРНИНГ ЯНГИ ОИЛА БАҒРИГА КЕЛИШИ ХОНАДОНГА ЎЗГАЧА РУҲ ВА КАЙФИЯТ ОЛИБ КЕЛДИ. БИР ЭТАК БОЛАЛАР ЖАМ БЎЛГАН ГЎША ҲАМИША ГАВЖУМ. БИР-БИРЛАРИ БИЛАН БЎЙЛАШИШ ҲАМДА ҚИЗЛОҚЛАРНИНГ МУОМАЛАСИНО МЕҲНАТСЕВАРЛИГИГА КЎПНИНГ ҲАВАСИ КЕЛАДИ. АТРОФ САРАНЖОМ-САРИШТА, ҚИШ ФАСЛИ БЎЛСА-ДА, ХОНАДОНДА АНВОЙИ ГУЛЛАР БЎЙ ТАРАТИБ ТУРИБДИ.**”

ган болаларни оилаларга жойлаштириш, қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кундан-кунга авж оляпти. — Оилавий болалар уйларида 88 ўғил-қиз тарбияланмоқда, — дейди Миллий гвардия Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи Шавкатжон Акбаров. — Болалар соғлигини мунтазам назорат қилиш учун уларга чуқурлаштирилган тиббий хизмат кўрсатиляпти. Янги йил байрами арафасида сифатли ва узлуксиз таълим олишни таъминлаш мақсадида ҳар бир оилга электргенераторлар совға қилинди. “Меҳр дафтари” жамғармаси асосида тузилган “Йул харитаси”га кўра, етим ва ота-она қарамоғидан махрум бўлган 197 нафар боланинг орзу-истаклари ва қизиқишларини рўйбга чиқариш, касб-хунарга йўналтириш, бандлигини таъминлаш ва соғлигини тиклаш учун 1 миллиард 432 миллион сўм маблағ сарфланди. — Янги йилни замонавий меъморчилик андазалари асосида қурилган уйда кутуб олдик, — дейди Қўва туманидаги “Қалбим меҳрлари” оилавий болалар уйи тарбияланувчиси Умиджон Шерматов. — Кенг ва ёруғ хоналар, қулай

шарт-шароитлар завқимиз, эртанги кунга бўлган ишончимизни оширди. Бизга мана шундай имкониятлар ярати берган, меҳр кўрсатиб бошимизни силаётган Президентимиздан чексиз миннатдориман. Нафақат уй-жой, балки белгиланган имтиёз асосида Гулистон давлат педагогика институтига ўқиш учун йўлнамалар олдим. Бу жуда катта имконият ва менга билдирилган ишонч. Уни оқлашга, юртимизга содиқ фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан. ҲАММИЗДА МАЗКУР ҚАРОР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА 15 ТА ОИЛАВИЙ БОЛАЛАР УЙИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ЕТИМ, ОТА-ОНА ҚАРАМОГИДАН МАХРУМ БЎ-

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

КАСАНАЧИЛИК

Гўзал тасвир, нафис нақшлар изидан юрган игна чизмаларни ип орқали янада гўзал қилади. Нилуфарнинг илк хайратлари боиси кашта билан безатилган бир-бирдан бежирим либослар, дўппилар бўлди. Онаси ва буvisи эрта тонгдан ип йиғириш, кашта тикар, чопон қавер эди. Улар билан бирга кўплаб кўргазмалар, танловларда иштирок этди. У хунармандлар сулоласининг олтинчи авлоди.

Миллий руҳда тикилган сўзаналар, гиламлар, кийимларда қадриятларимиз авлодан-авлодга ўтиб келаётганини кўриб, завқланасан киши. Айниқса, ўзига хос миллий хунармандчилиги билан бутун дунёга машҳур бўлган Бойсунда кўлигул хунармандларни кўп учратиш мумкин. Нилуфар Жўраеванинг асл касби иқтисодчи. Уқини тамомлаб, шу йўналишда ишга жойлашди, аммо хунарга бўлган меҳри сабаб, каштадўзликни ташлаб қўймади. Уни тақомиллаштириб, “Dream’s Shafigina” оилавий корхонаси ташкил қилди. Хунарманднинг ижод намуналари мафтункорлиги билан кўзни қувватлади. Халқ амалий санъатида ҳар қандай ёндашув, ўзига хослик миллатнинг характери ҳақида сўзлайди. Бойсун дўппиларидаги ранг-баранг нақшлар ҳам халқ калбининг жўшқинлиги, табиатга ҳамнафас эканини англатади. — Ҳар бир ҳудуд миллий бош кийимларининг ўзига хос жиҳатлари бўлганидек, Бойсун дўппиларининг ҳам гуллари, безаклари, тайёрлаш услублари бошқа жойларникидан фарқланади, — дейди Нилуфар Жўраева. — “Чилхочла”, “Пологул”, “Арча”, “Тўлдирма” каби Бойсун дўппилари барчанинг эътиборини тортди келган. Болалигимиздан хунарга, меҳнатга ўргатишган. Қиш кунлари опа-сингиллар печка атрофида ўтириб кашта тикардик, бувим эса турли ривоятлар айтар, китоблар ўқиб беради. Шундай кезлари айтилган Низомий Ганжавийнинг бир ўғити ёдимда қолган: “Хунар ўрган, чунки хунардан кўп сир. Ёпик эшикларни очар бирма-бир”. Даромадимиз яхши. Махсусотларни маҳаллий бозорлар ва сайёҳлар кўп ташриф бурорадиган туристик марказларга етказиб берамиз.

Япон аёллари Бойсунлик хунармандга шогирд тушди

Кунчиқар юрт вакиллари миллий хунармандчилигимиз сирларини ўрганмоқда



Нимчорак аср. Мана шу давр мобайнида қаҳрамонимиз кўлига игна олиб, сабр-матонат билан хунармандчилик буюмларини тайёрлайди. Ҳаётини шу касбга боғлаб, рўзгор тебратди. Мўъжизакор қўлларда яратилган ҳар бир буюм ўзига хос гуллари, безаклари билан нафақат юртимиз, балки жаҳон бозорларига ҳам кириб бормоқда. Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Сурхондарё вилоятида бугунги кунга келиб, хунармандчиликнинг 18 тури кенг тарқалган. Жумладан, гилам тўқиш, каштачилик, дўппидўзлик, қулоччилик, ёғоч ўймакорчилиги шулар жумласидан. Меҳнаткаш қўлларда сайқал топаётган буюмлар вақт ўтиб эскириши мумкин, лекин уларнинг ортидан етишиб чиқаётган кўплаб шогирдлар бу хунарни узоқ йиллар давомида янгилаб бораверади. Миллий хунармандчилик махсусотлари нафақат бойсуннинг ташриф қоғози, балки ҳудуд ёшларининг бандлигини таъминлашда ҳам яхшигина ечим бўлиб хизмат қилмоқда. Қадимий анъаналарни замонавий тажриба билан уйғунлаштириб, катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритаётган Нилуфар Жўраева Бойсун туманида хунармандлик марказини ташкил қилган. У ерда бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда уйда ўтирган, ишсиз аёллар хунарга ўргатилади, 50 нафардан ортиқ аёлнинг бандлиги таъминланган. Хунар сирларини пухта ўзлаштирган шогирдларнинг 30 нафари ўз тадбиркорлигини йўлга қўйган. Хунармандчилик буюмларини фақатгина корхоналарда эмас, балки уйда ҳам бемалол тайёрлаш мумкин. Мана шу устунлик боис, Нилуфар Жўраева ўз фаолиятини касаначилик асосида кенгайтирди. Банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш

фаолиятига жалб қилишнинг самарали воситаси саналган мазкур фаолиятга қизиқувчилар тезда топилди. Хунарманд ўзи яшаётган Газа маҳалласидан ташқари, яна тўрт маҳаллада яшовчи аёлларни иш билан банд қилди. Улар корхонага ярим тайёр махсусотлар етказиб беради. Касаначилик қатъий белгиланган вақт ва иш жойида бўлишни талаб қилмайди, лекин шу талабга эга фаолият турлари билан тенг даромад тақдир қила олади. Шунинг учун ҳам боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кўплаб аёллар хунарманд билан меҳнат шартномаларини тузди. — Талабга қараб, корхонага кашта тикиб ёки чопон қавер бераман, — дейди Газа маҳалласида яшовчи Сабо Холмаматова. — Турмуш ўрғотгим вафот этган, болалар тарбиясидан ажралиб, бирор жойда ишловмасдим. Аввалги каштачиликни эпловмайман, сабрим етмайди деб ўйлаган эдим. Аммо миллий хунармандчилик бежизга сержило, мўъжизакор дейишмас экан. Унинг ичига кирсангиз, тарқ этолмас экансиз.



Бир композицияни бошладимми, охирига етказмагунча кўнглим жойига тушмайди. Бойсун — тамаддун бешиги, тилсимотлар маскани. Бежизга ушбу ҳудуд ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг озаки ва номоддий дурдонаси, дея таърифланмаган. Туман қадим-қадимдан хунармандчилик ривожланган маданий марказ сифатида эътироф этилмоқда. Устоз-шогирд аъёнлари давом этиб, хунармандлар унинг сир-асрорларини ёшларга ўргатиб келмоқда. Эътиборлиси, мана шу синоатга чет элликлар ҳам қизиқиб, миллий хунармандчиликимизни ўрганапти. Хусусан, бойсунликлар қўлида сайқал топаётган тўқувчилик ва тикувчилик махсусотлари кунчиқар юрт вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбек — Япон ассоциацияси томонидан япон аёллари учун маҳорат дарслари, ўқув-амалий машғулотлар ўтказиб келинмоқда. Нилуфар ва онаси Малика Пошшоева хунармандлар марказида япониялик шогирдларни ҳам хунарга ўргатмоқда. Миллий хунармандчилик санъатимиз дунёда кадр топаётганидан фахрланасан киши.

Феруза ЖўРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДУК

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

МУАССИС: **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузурдаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146. 14144 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳас: Шероод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Якуни — 22.50 Тошхириди — 00:15

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибхона: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz